

ТИББИЙ-КРИМИНАЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗА ВА ТЕКШИРУВЛАРДА РЕНТГЕНОЛОГИК УСУЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Исомидинов Р.Р, М.И. Искандаров

Respublika sud-tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markazi Toshkent viloyat fililali,

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси

email: toshvilsteb@mail.ru Tel.: +99899 8602730

Долзарблиги: Ҳозирги вақтда суд тиббиёти амалиётини рентгенологик текширувларсиз тасаввур қилиш қийин ва қуйидаги мақсадларда қўлланилади:

- тирик шахсларнинг рентген текширувида суякларда синишлар мавжудлиги, характери, муддати, ёт таначалар локализацияси ва шахслар ёшини аниқлаш;

- мурдаларда ёт таначалар локализацияси, чақалоқларнинг етуқлигини аниқлаш ва бошқалар;

- тиббий криминалистика бўлимида эса кенг қамровли текширувлар ўтказилади: суяк қолдиқлари бўйича ёшни аниқлаш, суяклардаги синишларнинг характери, муддати, ўқ-отар қуролларидан етказилган жароҳатларда порох заррачалари ва металлизация белгиларини аниқлаш. Мурда ва тирик шахслар экспертизасида, шунингдек ашёвий далилларнинг экспертиза ва текширувларида нафақат шахснинг молекуляр-генетик идентификацияси ва биологик мансублигини аниқлаш ҳамда наркотик ва психоактив моддаларни суд-кимё ва токсикологик-кимё таҳлилларида, балки шахс ва жароҳат қуролларини аниқлаш (тиклаш) каби тиббий-криминалистик тадқиқотларда ҳам юқори технологик текширув усуллардан фойдаланиш кун тартибидаги асосий масалалардан биридир.

Тадқиқот мақсади: РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалида 2024 йил июн ойидан бошлаб, рентгенологик текширувларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Филиалда рентгенологик текширув йўлга қўйилгандан кейин бу турдаги текширувлар ёрдамида ҳал этилаётган масалалар ҳамда рентген бўлинма ишини ташкиллаштиришда ҳозирги вақтда қандай муаммолар мавжудлигига баҳо бериш ва уларга барҳам беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Текширув материаллари ва усуллар. Филиалда рентгенологик текширувлардан фойдаланилган тирик шахслар экспертизаси хулосалари ва тиббий-криминалистика бўлимида ўтказилган текширувлар далолатномалари ҳамда рентген текширув далолатномалари ва текширув учун эксперт йўлланмалари таҳлил этилди (рецензия).

Натижалар. Рентген бўлинма ишини ташкиллаштириш жараёнида текширув натижалари далолатномалари ва рентген текширувга йўлланмаларни

расмийлаштиришда аниқланган камчиликларга барҳам берилди ҳамда ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқлар асосида унификациялаштирилди.

Тиббий-криминалистика бўлимида 2024 йилнинг июн ойидан шу кунга қадар 87 та ҳолатда рентген текширув ўтказилган, жумладан 5 та ҳолатда суяклар бўйича ёшни аниқлаш, 4 та ўқ отар жароҳатлар, 79 та ҳолатда эса бўйин орғанокомплекси текширувларидир.

Амалдаги қоидалар, стандартлар талабларига кўра, бўйин орғанокомплекси текшируви маълум кетма-кетликда ўтказилади - мурда текшируви, рентгенологик ва тиббий-криминалистик текширувлари (орғанокомплекс юмшоқ тўқималардан тозалангандан кейин). Бундай кетма-кетликдаги текширувлар бўйин орғанокомплексида жароҳатлар борлигини аниқлаш ва бу жароҳатлар шахс ҳаётлигида ёки кейинги текширувлар (масалан, орғанокомплексни юмшоқ тўқималардан тозалаш) вақтида юзага келганлигига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Кўрсатиш лозимки, рентген бўлинмани ишга тушириш жараёнида бўйин орғанокомплексининг рентген текшируви ўтказилган тиббий-криминалистик текширувларда айрим ҳолатларда - рентген текширувда тил ости суяги ёки қалқонсимон тоғайда синиш топилмаган, аммо уларнинг тиббий-криминалистик текширувида орғанокомплексда синишлар аниқланган ҳолатлар кузатилди.

Бундай ҳолатлар филиал раҳбарияти ва мутахассислари томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва унинг сабаблари таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хулоса. Мурда, тирик шахслар экспертизалари ва тиббий-криминалистик экспертиза, текширувларида рентгенологик текширувлардан фойдаланиш, экспертизалар олдига қўйилган саволларни тўлақонли ҳал этиш, хулосаларнинг ишончлилиги ва асосланганлигини ошириш билан бир қаторда, экспертлар ҳамда аҳолига қулайлик туғдиради.

Шунингдек, Тошкент вилоят филиалида рентген бўлими ишини ташкиллаштиришда клиницист рентгенологни суд-тиббий рентгенология усуллари билан ишлай олишига имкон яратиш ва рентгенологнинг кундалик иш фаолиятида амалларни бажариш ишчи йўриқномалар (АБИЙ F 250-272) талаблари асосида ишлаш муҳимлиги инобатга олинди.